Insonga naf keltirish – oliy baxt

2011-yil 19-noyabr № 138 (3019) shanba

# Ishonch

O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

**Моҳият**

**Буюк давлатни фақат соғлом миллат, соғлом авлодгина қура олади.**

Ислом КАРИМОВ

# Ризқ-насибамиз файзу баракаси, фаровонлик мезони

## Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг республика аҳолисига Мурожаати

*Мустақиллик берган имкониятлар, хусусан, мамлакатимиз Президенти бош-қошлигида халқимизнинг юртимизда давом этаётган истиқболли ислоҳотлар ижросини таъминлаш йўлидаги фидокорона саъй-ҳаракатлари натижасида мамлакатимизда мисли кўрилмаган ютуқларга эришилмоқда. Бу муваффақиятларимизни бугун халқаро ҳамжамият тан олиб, ривожланишнинг «ўзбек модели» дея эътироф этаётгани она юртимизда яшаётган ҳар бир инсоннинг бир ғайратига минг ғайрат қўшиб, уларни янги марралар сари ундамоқда.*

*Бу жараёнда яратилаётган имкониятлардан фойдаланиб, Ўзбекистонимиз заминида меҳнат қилиб, халқимиз фаровонлигига баракали ҳисса қўшиб келаётган миришкор деҳқонларимиз ҳимматидан эл-юрт мамнун. Бу ўринда аҳоли ва деҳқон хўжаликлари томорқаларида турли маҳсулотлар етиштирилиб, дастурхонимизга тақдим этилаётгани, яъни юртдошларимизнинг тадбиркорона меҳнати, куч-ғайрати алоҳида ўрин тутади. Шуни ҳам мамнуният билан таъкидлаш жоизки, мўъжаз шахсий хўжаликларда етиштирилган турли хил маҳсулотлар мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг каттагина қисмини ташкил этади.*

*Муҳтарам Президентимиз таъбири билан айтганда, ерни қанчалик эъзозласак, у бизга шунча кўп ризқу насиба бераверади. Республикамизда шахсий томорқа хўжаликларида қишлоқ хўжалик ва бошқа турдаги маҳсулотларни етиштиришга алоҳида эътибор қаратилиб, ушбу йўналишда кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилаётгани бежизга эмас.*

*Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози даврида, озиқ-овқат танқислиги дунё ҳамжамиятини ташвишга солиб турган шароитда ўз томорқаларида юқори ҳосилдорликка эришиб, шунингдек, яна гўшт, сут, парранда маҳсулотлари тайёрлаб эл маъмурчилиги ва тўкинчиликни таъминлаб келаётган юртдошларимизга тасанно айтиш жоиз. Уларнинг меҳнатлари муносиб баҳолаб келинаётгани ҳам бежиз эмас. Зеро, кўпчилик унчалик назарига илмайдиган томорқа ерларида мамлакатимизда етиштирилаётган ялпи ҳосилнинг залворли қисмини етиштириш мумкинлиги бугун ортиқча исбот, далил талаб қилмайди. Аммо барча томорқа соҳиблари ҳам яратилаётган имкониятлардан масъулият билан унумли фойдаланмоқда, деб бўлмайди. Таёқни суқса ҳосилдор дарахтга айланадиган сахий еримизнинг умри зое кетказилаётган ҳоллар ҳам афсуски, учраб турибди.*

*Шу боис, каттами, кичикми ҳар бир томорқа эгасини ҳар қарич ердан оқилона фойдаланиб, эл дастурхонини янада тўлдиришга муносиб ҳисса қўшишга чақирамиз! Бу орқали «тома-тома кўл бўлур» деганларидек, нафақат мамлакатимиз, балки хорижий ўлкаларга ҳам ўзбек халқи ва Ўзбекистон заминидан қувват олган олтиндек товланувчи сархил мевалар, дармондориларга бой сабзавотлар, ширин-шакар полиз маҳсулотларини экспорт қилиш салоҳиятимизнинг янада юксалишига шубҳа йўқ.*

*Азиз ватандошлар!*

*Халқимизнинг «Сен ерни боқсанг – ер сени боқади», деган пурмаъно нақли бекорга айтилмаган. Бугунги кунда инсон саломатлигини мустаҳкамловчи, ҳар жиҳатдан фойдали маҳсулотларни етиштириш учун имкониятимиз ҳам, салоҳиятимиз ҳам, шарт-шароит ва имтиёзлар ҳам етарли. Бу эса айни пайтда моддий эҳтиёжимизга хизмат қилиш билан бир қаторда ёш авлод вакилларини соғлом ва бақувват қилиб ўстириш, соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг моддий негизини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга.*

*Шундай шароитда ўз ҳовлимиздаги, деҳқон хўжалигимиздаги ерларимизнинг ҳар қаричидан унумли ва самарали фойдаланиш, сабзавот ҳамда полиз экинлари экиш ҳамда мўл ҳосил етиштириш орқали файзу барака ва тўкин-сочинликнинг янада ортишига муносиб ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг халқпарварлик, ватанпарварлик ишимиздир.*

*Ушбу хайрли ишларда кенг жамоатчиликнинг, хусусан, маҳалла фуқаролар йиғинлари, хотин-қизлар қўмиталари, ёшлар ташкилотлари, нуронийларимиз, тадбиркорлар, касаба уюшма фаоллари ҳамда аъзоларининг жипсликда ва ҳамжиҳатликда фаоллик кўрсатишлари айни муддао бўларди.*

*Азиз дўстлар!*

*Барчамиз биргаликда ўз томорқаларимиздан унумли фойдаланиб, оиламиз, туман, шаҳар, вилоят ва республикамиз аҳолиси дастурхонини ноз-неъматлар билан тўлдириб, маъмурчилик ва тўкин-сочинликни таъминлашга муносиб ҳисса қўшайлик. Ернинг ҳар бир қаричи инсонларга хизмат қилишини таъминлайлик. Мўъжазгина томорқамизда етиштирилган ажойиб ноз-неъматларимиз билан ҳам дунёни янада ҳайратга солайлик.*

*Шахсий хўжаликнинг энг сердаромад соҳаларидан бири бўлган чорвачилик, паррандачилик кабиларга эътибор бериш ҳаётимизга янада фаровонлик, рўзғоримизга барака киритишини ҳам асло ёддан чиқармайлик. Зеро, халқимиз бу соҳани ҳақли равишда етти хазинанинг бири, деб ҳисоблайди. Оилангизда гўшт, сут йўналишида бўладими, паррандачилик йўналишидами – қай бирига меҳр қўйсангиз ҳам афсусланмайсиз. Оилангизда гўшт, сут, қатиқ сариёғ мўл-кўл бўлиши билан бирга эл-юрт дастурхонига шу неъматларни баҳоли қудрат етказиб бериш имконияти бисёр.*

*Ён-атрофингизда чорвачиликдан барака топган шахсий хўжаликлар оз эмас. Улардан ўрнак олинг ва Ватанимиз озиқ-овқат захирасини бойитишга турмушимизнинг бундан ҳам фаровон бўлишига муносиб ҳиссангизни қўшинг. Биргалашиб эл маъмурчилиги ва юрт фаровонлиги йўлида янги марраларни забт этайлик.*



# Самарқандда «Саломатлик» спартакиадаси

**Кўҳна кент кўчалари бўйлаб**

Самарқанд — нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё халқлари тарихида муҳим ўрин тутган ва ҳозирда ҳам ўз кўрки, чиройи билан минглаб инсонларни ўз бағрига чорлаётган кўҳна шаҳар. Унинг кўчалари бўйлаб кезар экансиз, бу кентдан ёғилиб турган улуғворлик сизни-да кўкрак кериб олға қадам ташлашга ундаётганини ҳис қиласиз.

Кенг, равон йўллар ёқасида тикланган замонавий уйлар, таълим муассасалари, спорт иншоотлари қадимий иморатлар билан уйғунлик касб этиб, кўнгилга сурур бағишлайди. Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши ташаббуси билан ташкил этилган «Саломатлик» спартакиадасининг республика босқичи муносабати билан кўҳна шаҳарга ташриф буюрган барча-барча буни фахр-ифтихорга тўлиб қайд этгани ҳам бежиз эмас.

**(Давоми 4-бетда)**

*Тиббий хизмат*

**Когон туман тиббиёт бирлашмаси шифокорлари аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш борасида кенг кўламли тадбирларни амалга оширмоқда.**

## Соғлом она — соғлом бола

Яқинда тумандаги «Мустақиллик» қишлоқ врачлик пунктида «Фертил ёшидаги аёллар, болалар ва ўсмир қизларни соғломлаштириш ҳафталиги»ни ўтказиш мониторингини олиб бориш ҳамда амалий ёрдам кўрсатишни янада яхшилаш масалалари юзасидан тадбир ўтказилди. Унда пойтахтимиздан келган бир гуруҳ олимлар, жумладан, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази масъул ходими, тиббиёт фанлари доктори, профессор Динара Қосимова, Республика ихтисослашган акушерлик ва гинекология илмий маркази бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Иқлима Маҳмудова, шунингдек, туман марказий шифохонасининг акушер-гинеколог, педиатр, терапевт, ультра товуш текшируви врачлари Л.Раҳимова, М.Ўринова, Д.Эгамова, Т.Ҳамидовлар фертил ёшидаги аёллар ва ўсмир-қизларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

Худди шундай тадбир тумандаги «Қасри Орифон», «Қуйи Хоми», «Жанафар», «Тайтал», «Геофизика» ва «Ҳукуматобод» қишлоқ врачлик пунктларида ҳам бўлиб ўтди.

**Иззатулла ҲОЖИЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

*Конституцияни ўрганамиз*

## Бош Қомусимизга бағишланди

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кунни тантанали нишонлаш, кўтаринки руҳда байрам қилиш анъанага айланган.***

Бу муҳим ҳужжат ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ўзининг ўчмас изини қолдирмоқда. Турмушимиз фаровонлиги, давлатимизнинг ижтимоий, иқтисодий, сиёсий соҳалардаги устувор мақсад ва вазифалари, бошқарувнинг адолатли ва демократик тамойиллари, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатлари, маънавий қадриятларимиз мустаҳкам асосга эга эканлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз.

Шунинг учун ҳам Юртбошимиз таъкидлаганидек, «Жамият ҳаётининг мезони бўлган Конституцияни чуқур ва ҳар томонлама ўрганишимиз, унинг маъносига етиб бориб, ҳаётимизнинг доимий қўлланмасига айлантиришимиз даркор».

«Ўзбекистон почтаси» очиқ акциядорлик жамиятининг Навоий филиали ҳамда «Ўзбектелеком» акционерлик компанияси Навоий филиали ходимлари иштирокида вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси ташаббуси билан ўтказилган тадбир ҳам Бош Қомусимизга бағишланди.

Конституциямизнинг 9-боб, 37-моддасида «Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир» дейилган. Дарҳақиқат, ишчиларнинг яхши меҳнат қилишлари, дам олишлари учун етарли шарт-шароитлар яратилган, меҳнат муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилган жойда унумдорлик ҳам юқори бўлади.

Тадбирда Конституцияда белгиланган инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳимоясига доир амалдаги ишлар тўғрисида атрофлича фикр юритилди.

**Муҳаббат НОРҚУЛОВА,**
**Навоий вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

*Ўқув*

***Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши Ўқув марказида Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар кенгашларининг ижтимоий ҳимоя бўйича мутахассислари, ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмиталари раислари малакасини ошириш бўйича ташкил этилган ўқув таассуротга бой бўлди.***

## Ҳамкорлигимиз мустаҳкам

Ўқув доирасида уюштирилган «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ходимлари ҳамда ўқув иштирокчилари ўртасидаги учрашувда ҳам ўзаро ҳамкорликка алоҳида эътибор қаратилди.

— Сизлар билан самимий учрашиб турганимиздан мамнунмиз. Мустаҳкам ҳамкорлик ўрнатишда, газетамиз мазмун-мундарижасини бойитишда бу каби очиқ мулоқотларнинг ўрни катта, — деди Бош муҳаррир Абдухолиқ Абдураззоқов. — Кейинги пайтларда касаба уюшмалари билан таҳририят ўртасидаги алоқалар янада мустаҳкамланиб бораётир. Бунда таҳририятимизга келаётган хатлар муҳим ўрин тутади. Шу боис, бирорта мурожаат эътибордан четда қолмайди. Бундан ташқари, таҳририят веб-сайти орқали ҳам газетамиз саҳифаларида чоп этилаётган мақолалар билан яқиндан танишиб бориш имкони мавжуд.

Шунингдек, ҳозирда барча ташкилот ва муассасаларда кенг ўрганилаётган Президентимизнинг «Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида» китоби мазмун-моҳияти ҳақида атрофлича фикр юритилди.

Иштирокчилар томонидан газета саҳифаларини бойитишда кўмак берадиган фойдали таклиф ва мулоҳазалар ўртага ташланди. Наманган вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Раҳбарой Жумабоева, Фарғона вилояти тармоқ касаба уюшма кенгаши ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири Мақсуджон Латипов, Қашқадарё вилояти тармоқ касаба уюшма кенгаши ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш бўлими мудири Бобомурод Хўжаёров ва бошқаларнинг нашрларга обуна, газета мазмунини янада бойитиш, таҳририятнинг келгусидаги режалари, касаба уюшмаларининг «Усто-шогирд» анъанасини давом эттиришдаги ўрни, бандлик каби масалалар юзасидан фикр-мулоҳазалари катта қизиқиш уйғотди.

— Таҳририят билан яқин ҳамкорлик қилсак, «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари орқали фаолиятимизни кенг тарғиб этсак, халқимизнинг касаба уюшмаларига нисбатан ишончи янада ортади. Шу йўлда ўзига хос қадам бўлган бугунги самимий мулоқот учун таҳририят ходимларига чуқур миннатдорлигимизни билдирамиз, — деди Навоий вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси Аҳрор Раҳматов.

**Акмал ТОШЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

## Янги кун янгиликлари

### Андижон

*Андижон шаҳар прокуратураси томонидан вояга етмаганларнинг ўқиш ва яшаш жойларида тарбиявий ишлар аҳволи мунтазам текширилиб, тегишли чоралар кўрилмоқда.*

*Яқинда «Жаҳон» информацион маркази билан ҳамкорликда жисмоний имконияти чекланган болаларнинг бепул «интернет саводхонлиги» оширилди. Ўқув курсларини битирган 781 нафар болага махсус сертификатлар топширилди. Яна 28 нафар имконияти чекланган болага интернетдан фойдаланиш учун бепул карталар берилди.*

### Хоразм

*Урганч марказида қад ростлаётган мажмуа Республика Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси маблағи ҳисобига барпо этилмоқда. Уни қуришда Рўзимбой Раҳимов раҳбарлик қилаётган «Ирригация темир-бетон қурилиш» масъулияти чекланган жамияти қурувчиларининг хизмати катта. Мазкур иншоотнинг умумий қиймати 1 миллиард 373 миллион 727 минг сўмга тенг.*

*Спорт маскани 22x11 метр ўлчамли сузиш ҳавзасидан ташқари, ўғил ва қизлар учун алоҳида ечиниб-кийиниш, ювиниш ҳамда тиббиёт ва мураббийлар хоналаридан иборат. Бу ерда санитария тармоқлари ҳам бор. Объектнинг эътиборга молик томони шундаки, унга сузиш ҳавзаси сувининг ҳароратини 27 даражада мўътадил сақлайдиган асбоб-ускуналар ўрнатилади. Махсус лаборатория мосламалари эса ҳавзадаги сувнинг тозалигини доимий равишда назорат қилиб туради.*

### Самарқанд

*Халқимизда қиш ғамини ёзда е, деган ўринли нақл бор. Вилоят деҳқонларининг қишлоқ хўжалик неъматлари захирасини яратишга бўлган эътибори туфайли, баҳор ва қиш учун 36,8 тонна маҳсулот ғамланди. Уларни сақлаш учун 49,7 минг тонналик 72 та омбор ва музлаткичли камералар, 16 та 24,7 минг тонна сиғимга эга совуткичлардан фойдаланилмоқда.*

*Халқ таълими тасарруфидаги муассасаларда ҳам мавсумга пухта тараддуд кўрилди. Бугунгача 1104,9 тонна маҳсулот захирага қўйилди.*

### Навоий

*Бундан қирқ йил муқаддам очилган Зарафшон саноат касб-ҳунар коллежи ўтган даврда 12000 нафардан ортиқ юқори малакали ёш мутахассисларни Навоий кон-металлургия комбинати тизими учун етказиб берди. Биргина 2010-2011 ўқув йилида коллежни 214 нафар ўқувчи тамомлаб, улар НКМКнинг Марказий кон бошқармаси, Зарафшон қурилиш бошқармаси ҳамда Шимолий кон бошқармасига мутахассисликлари бўйича ишга жойлаштирилди. 2011-2012 ва 2012-2013 ўқув йиллари учун коллеж ва корхоналар ўртасида амалиёт ўташ ҳамда ишга жойлаштириш тўғрисида уч томонлама шартномалар олдиндан тузиб қўйилганлиги боис, ҳар бир ўқувчи ўзи учун иш жойи тайин эканлигини ҳис этиб астойдил ўқимоқда.*

### Сирдарё

*Сирдарё туманидаги «Қамаристон нон» корхонасида ишлаб чиқариш қувватлари йилдан-йилга ортмоқда. Ишбилармон Олимжон Бойтўраев етакчилик қилаётган ушбу жамоада ҳар куни олти турдаги уч мингта нон ва 200 килограмм макарон маҳсулотлари тайёрланмоқда. Корхона банкдан олинган 332 миллион сўм кредит эвазига ихчам, замонавий технологияларни ўрнатди. Натижада ишлаб чиқариш қуввати янада ошди.*

*Туман ҳудудидаги тижорат банклари томонидан ўтган даврда кичик бизнес субъектларига 11 миллиард сўмдан зиёд кредитлар ажратилди. Кредит эвазига тадбиркорлик субъектларида иш ўринлари янада кўпаймоқда.*

Томорқа — хазина

# Ердан зар ундираётганлар

**_Ота-боболаримиз азалдан ҳалол меҳнати билан ризқ-рўз яратиб келган. Халқимиз турмуш фаровонлиги манбаи ер эканлигини, айниқса, мустақиллик йилларида янада чуқур англаб етди. Аҳолига томорқа ерлари ажратилгани бу борада улкан ғамхўрлик бўлди._**

Музработ туманида томорқадан унумли фойдаланишда ўзига хос мактаб яратилган.

— Қишлоқ фуқаролар йиғинимиз ҳудудидаги «Чегарачи» ва «Бўстон» маҳаллаларида 1147 та хонадон истиқомат қилади, — дейди «Қоракамар» қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Муҳиддин Нурматов. — Улар 320 гектар томорқа хўжалигига эга. Одамларимиз йил бўйи томорқасида меҳнат қилиб, катта даромад олишади. Бунда туман ҳокимлиги томонидан яратилган шарт-шароит ҳам катта аҳамиятга эга. Яъни, муқобил машина-трактор паркида ҳайдов тракторлари ажратилган. Кўчма «Қишлоқ хўжалиги кимё» савдоси йўлга қўйилган. Ҳар якшанба аҳоли томорқаси учун сув берилади.

Масалан, «Чегарачи» маҳалласида яшовчи О.Давронов оиласи 40 сотих ерда деҳқончилик қилади. Бу йил улар 5 тонна пиёз, 2 тонна картошка, 2 тонна ерёнғоқ, 3 тонна узум етиштириб, 20 млн. сўм даромадга эга бўлди. Буни қарангки, укропнинг ўзидан 7 млн. сўм фойда олинди.

Жовли Эшбоев хонадонида эса бу йил қовун-тарвуз етиштирилди. Ҳозирда 15 сотих ерда укроп парваришланаяпти. Бу йил хонадон соҳиблари олинган даромад ҳисобига катта тўй қилиб, икки ўғилни уйлантиришмоқчи.

«Бўстон» маҳалласида истиқомат қилувчи Ражаб Боймуродов ер билан тиллашишнинг ҳадисини олганлардан. У томорқасининг 10 сотихига саримсоқпиёз, 7 сотихига пиёз, турп, шолғом, 3 сотихига укроп экиб, 18 млн. сўм даромад қилди. Фойдадан «Матиз» русумли автомашина сотиб олди.

Туманнинг бошқа ҳудудларида ҳам томорқадан самарали фойдаланилмоқда. Жумладан, Музработ қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги «Дўстлик» маҳалласида яшовчи Хурсанд Бегимқулов 15 сотих боғидаги 100 туп анор, 30 туп хурмо, 20 туп олма дарахтидан 10 млн. сўмдан ошиқ даромадга эга бўлди.

Томорқа маданиятини ўзлаштириб, ҳам бозор тўкинлигини таъминлаётган, ҳам рўзғорига барака киритаётган хонадонлардан ибрат олса арзийди. Бу борада уларга маҳалланинг кўрсатмаси ва кўмаги туртки бўлаётгани алоҳида эътиборга сазовор.

**Рустам ДАВЛАТ,**
**«Ishonch» мухбири**

# РЎЗҒОР БАРАКАСИ

**_Шаҳрисабз туманининг Зангирон маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Носиров Тўра Улашевич» хусусий корхонасининг халқ фаровонлигини яхшилашга қаратилган ибратли ишлари таҳсинга лойиқ. «Микрокредитбанк»дан олинган 10 миллион сўм эвазига хориждан янги технология келтирилди. Айни пайтда бу ерда 1 тонна сут қайта ишланиб, 5 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда._**

Жамоа раҳбари Баҳром Носировнинг таъкидлашича, лизинг асосида яна 90 миллион сўм кредит олиниб, ишлаб чиқариш қуввати 5 тоннага етказилади ва маҳсулотни қадоқлаш йўлга қўйилади.

Ўттиз бош зотли сигирни парваришлаётган тадбиркорлар маҳсулот етиштиришни йил сайин кўпайтириб бормоқдалар.

Фермер хўжалигида 40 бош қўй-қўзи ҳам боқилмоқда. Чорвачилик билан бир қаторда боғдорчилик ва сабзавотчилик ҳам ривожланмоқда. 2 гектарлик олхўризордан 40 тонна туршак тайёрланди. 4 сотихлик иссиқхонада лимон, бодринг, помидор ва резавор кўкатлар етиштириляпти.

Ҳам эл дастурхонига, ҳам рўзғорига барака киритаётган қишлоқ ишбилармонлари чорвачилик ва боғдорчиликни ривожлантириш йўлида баракали меҳнат қилмоқдалар.

**Иззат ҲИКМАТОВ**

Ибрат

# «Авлодлар учрашуви»

**_Жиззах вилоят транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшма кенгаши 2517-автожамланма маъмурияти билан ҳамкорликда ташкил этган тадбир «Авлодлар учрашуви» деб номланди._**

Жиззах шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ж.Қўшмоқов тадбирни очар экан, соҳада амалга оширилаётган ишлар ниҳоятда кенг кўлам касб этаётганини таъкидлаб ўтди.

Дарҳақиқат, 2517-автожамланманинг воҳада ўз ўрни ва аҳамияти бор. Халқ хўжалиги юкларини манзилга ўз вақтида, бенуқсон етказишдек масъулиятли ва шарафли юмуш зиммасида бўлган жамоанинг ишлари кун сайин ривож топмоқда.

— Фахрийлар — фахримиз, — дейди автокорхона бош муҳандиси Б.Қирйигитов. — Ўзларининг 43-45 йиллик умрини жамоамиз тараққиётига бағишлаган Ғани Алижонов, Ҳабиб Ропиев, Гулмурод Бегимқулов, Ортиқбой Мирзаевларнинг босиб ўтган ҳаёт йўли ёшларга ўрнак ва намуна.

Жамоада 31 йилдан буён меҳнат қилаётган малакали ҳайдовчи Сафар Дувланов ўз бошқарувидаги «Зил-138» русумли автоуловида 20 йил муддат ишлаганлигининг ўзи бир мўъжиза. Арнасой тумани далаларидан жами 160 тонна пахтани қабул пунктларига ташиб берган азамат ҳам шу.

Тадбирда С.Дувланов каби ўнлаб илғор, меҳнатсевар ҳайдовчиларнинг меҳнати шарафланиб, ёшларга намуна қилиб кўрсатилди.

— Бир пиёла чой устидаги ушбу тадбир жуда кенг қамров касб этди, — дейди вилоят тармоқ касаба уюшма кенгаши раиси Б.Матмуродов. — Автотранспорт тизимида меҳнат қилаётган икки мингга яқин аъзоларнинг аксариятини ёшлар ташкил этишини ҳисобга олсак, тадбирнинг тарбиявий аҳамияти ва нуфузи янада ортади.

Автотранспортчиларнинг илғор вакилларига Жиззах шаҳар ҳокимлиги, вилоят тармоқ касаба уюшмасининг фахрий ёрлиқлари топширилди.

**Абдуманноп АЗИМОВ,**
**«Ishonch» мухбири**

Семинар



**_Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамкорлигида фаолларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш борасида бир қатор ўқув-семинарлари ташкил этилмоқда._**

# Шифокорлар ўқуви

Тошкент врачлар малакасини ошириш институтида таҳсил олаётган тиббиёт муассасалари раҳбарлари учун тармоқ ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши томонидан касаба уюшмаларининг жамиятдаги ўрни ва асосий вазифаларига бағишланган навбатдаги ўқув-семинари уюштирилди.

Семинар иштирокчилари «Касаба уюшма маблағлари қандай сарфланади?», «Нодавлат ташкилотлардаги ходимлар учун қандай имтиёзлар мавжуд?», «Касаба уюшма қўмитаси раиси олий маълумотли бўлиши шартми?» каби ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишди.

Шунингдек, тадбирда тиббиёт олий ўқув юртларида таҳсил олаётган талабаларга Марказий кенгаш томонидан таъсис этилган стипендиялар топширилди.

— Яхши баҳоларга ўқиганим, жамоат ишларида фаол қатнашганим ўзимга фойда деб юрардим, билсамки, бу саъй-ҳаракатлар муносиб баҳоланар ҳам экан, — дейди Тошкент Фармацевтика институти 3-босқич талабаси Жавлон Жўраев.

— Биз иккинчи маротаба ушбу стипендияни олмоқдамиз, — дейишди Тошкент Педиатрия тиббиёт институти 4-босқич талабаси Нигина Ғаниева ҳамда Тошкент Фармацевтика институти 5-босқич талабаси Райҳон Содиқова. — Бундай эътибор касбимизга бўлган ишонч ва меҳрни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

**Назира БОЙМУРОДОВА,**
**«Ishonch» мухбири.**
**Муаллиф олган сурат**

Жамоа шартномаси амалда

**_Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга ҳақ тўланадиган қўшимча таътиллар бериш, янги иш ўринларини очиш, қайта ўқитиш, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёш болали, ногирон боласи бор оилаларга эътиборни кучайтириш каби масалаларни ҳал этишда жамоа шартномаси қўл келмоқда. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, бу муҳим ҳужжат ижросини таъминлаш бошланғич ташкилот етакчиларидан билим ва тажриба талаб қилади._**

# Меҳр тафти

Шу мақсадда уларнинг малакасини оширишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. «Корхоналарда аёллар, ёшлар, вояга етмаганлар ва ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилиш, уларни ноқулай ва зарарли меҳнат шароитларидаги ишлар ҳамда мажбурий меҳнатга жалб этишнинг олдини олиш», «Меҳнат муҳофазаси бўйича сайланган вакилларнинг вазифалари», «Меҳнат қонунчилигига доир низолар қандай ҳал қилинади?», «Бўш вақтни тўғри ташкил қилишнинг аҳамияти» каби мавзуларда давра суҳбатлари ташкил этилди.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси томонидан ҳар ярим йил ва йил якуни бўйича соҳада меҳнат қилаётган ёрдамга муҳтож, кўп болали, кам таъминланган, боқувчисини йўқотган оилалар, байналмилалчилар, аёллар, ногиронлар, шунингдек, якка-ёлғиз қариялар тўғрисида маълумотлар мониторинг қилинмоқда. Шунга мувофиқ, ёрдамга муҳтожлар алоҳида ғамхўрликка олинмоқда. Йилнинг ўтган даврида жамоа шартномалари орқали кичик бизнес субъектларига алоқадор кам таъминланган оила вакилларидан 9 нафарига корхона маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди. 31 нафар кам таъминланган оила фарзандлари учун 1259021,8 минг сўмлик ўқув қуроллари, дарсликлар олиб берилди. 163 нафар кам таъминланган оила вакилларига моддий ёрдам ажратилди. 9 нафар аёлнинг туғишгача ва туғишдан кейинги таътиллари узайтирилиб, ушбу мақсадлар учун 2216 минг сўм маблағ сарфланди. Соҳа ходимларининг олий ўқув юртларида таҳсил олаётган фарзандларидан 17 нафарининг шартнома пуллари тўланишига кўмаклашилди. Касаба уюшма фаолларидан 13 нафари эсдалик совғалари билан рағбатлантирилди. Якка-ёлғиз кексаларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 1411 минг сўм маблағ сарфланди. Пахтакорларимизга ҳосилни йиғиштириб олишга кўмаклашган ҳашарчилардан 74 нафари 3512,4 минг сўм миқдорида эсдалик совғалари билан тақдирланди.

Шу кунларда эса кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, якка-ёлғиз қариялар ҳолидан яна бир бора хабар олиб, совғалар тақдим қиляпмиз. Зеро, меҳр шундай улуғ бир туйғуки, унинг тафти барчага етади.

**Зулфия БОБОЖОНОВА,**
**Хоразм вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси**

ННТ фаолиятидан

**_Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлар ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича парламент комиссияси Навоий вилоят ногиронлар жамиятига «Ногирон хотин-қизларни касбий ўқитиш учун тикиш-бичиш бўйича ўқув марказини ташкил этиш» лойиҳасига 6 млн. 968 минг 400 сўм грант маблағи ажратган эди._**

# Ногиронлар эътиборда

2010 йил январ ойида лойиҳани жадал суръатда амалга ошириш учун жамият маъмурияти биносидан ўқув хонаси ажратилди. Жамият ўз ҳисобидан ушбу хонани талаб даражасида тайёрлаб, лойиҳа бюджетида кўрсатилган 5 дона «Ямата» русумли тикув машинаси стол-стули билан, 1 дона стол-стул ҳамда қўлланма жиҳозлар сотиб олиб ўрнатди. Ногирон хотин-қизларнинг бичиш-тикиш йўналишида текин ўқитилиши тўғрисида маълумот тарқатилиб, ўқув гуруҳлари тузилди.

— Жамиятимиз томонидан хизмат кўрсатилаётган ногиронлардан 650 нафари асосан ёшлар бўлиб, аксарияти касб ўрганиб ишлаш ниятида, — дейди вилоят ногиронлар жамияти раиси Х.Ҳасанова. — 2010 йил 1 февралдан икки сменада 10 нафар ногирон тикиш-бичиш сирларини ўргана бошлади. Уларни тайёрлаш муддати 3 ой қилиб белгиланди. Ҳозиргача 40 нафар ногирон хотин-қиз бичиш-тикишни ўрганиб, 7 нафари тикувчилик йўналиши бўйича хусусий тадбиркорлик билан шуғуллана бошлади. 7 нафари эса касаначилик йўналишида «Қизилқумцемент» ОАЖга ишга жойлаштирилди. Бу ҳудуддаги ногирон хотин-қизлар учун айни муддао бўлди.

Шундай лойиҳалар асосида Қизилтепа ва Хатирчи туманлари ногиронлар жамиятлари ҳисобига 8 млн. сўмдан грант маблағи 2010 йилнинг октябр ойида келиб тушди. Бу ерларда ҳам маъмурий бинолардан ўқув синфлари учун хона ажратилиб, реконструкциядан сўнг лойиҳа бюджетида кўрсатилган тикув машиналари, компютер жамланмалари, қўлланма жиҳозлар олиниб, тикув ҳамда компютер хоналарига ўрнатилди. Ҳозирда Қизилтепа туманида 15 нафар хотин-қиз бичиш-тикиш, Хатирчида 30 нафар ногирон бола компютер саводхонлиги бўйича бепул ўқув машғулотларига қатнамоқда.

Шунингдек, Кармана туман ногиронлар жамияти «Ногиронларга тадбиркорлик ва кичик бизнесни ўргатиш» лойиҳасига биноан 7 млн. 939 минг сўмга компютер жамланмалари, ёзув столлари сотиб олиб, 45 нафар ногирон йигит-қизга бизнес-режа тайёрлаш бўйича бепул ўқув машғулотлари олиб бормоқда.

**Абдулатиф АБДУЛЛАЕВ,**
**«Ishonch» мухбири**

«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

# Савоб ишнинг



— Резида Рашидовна вафот этибди?! Ахир туғилган кунида табриклаб келганимизга уч ой ҳам бўлмади-ку, — Дилшод ака қўлидаги калитни тескари солаётганини кейин пайқаб қолди. Эшикни очиб, қўлидаги қоғозларни иш столи четига қўйди-да, ҳамкасби Диля Девликановага юзланди. — Яқинда 67 га кирганди, барибир дард олиб кетибди-да. Раҳбарларга учрамадингизми?

— Ҳеч кими йўқ экан, доимгидай касаба уюшма қўмитаси шуғуллансин, дейишди. Румянцева сўнгги икки ойда ётиб қолганди. Ҳар куни навбат билан хабар олиб тургандик.

Резида Румянцева корхонанинг меҳнат фахрийларидан эди: кўп йиллар касаба уюшма қўмитаси раиси, ходимлар бўлими бошлиғи бўлиб ишлаган. Одамлардан яхшилигу ёрдамини аямаган.

— Адашмасам, Чилонзорда яшарди, — деди Дилшод ака. — Қачон, қандай урф-одат бўйича чиқаришаркан? Ҳа-я, ҳеч кими йўқ-ку бечоранинг. Галина Васильевна Соловейникига ўхшаб, ҳамма расм-русумларни таомил бўйича қиламиз.

Дилшод Абдулҳакимович йўлга чиқишдан аввал раҳбарлардан бирортасига учрашиб кетишни ўйлади. Директор Амир Газиев ўзида экан. Сўрашгач, мақсадга кўчди:

— Румянцеванинг таъзиясига кетаётгандим.

— Яхши ўйлабсиз. Ўзингиз билгандек ташкиллаштираверинг, — деди Амир Рустамович. — Одамларнинг кўнгли тўлса бўлди. Ҳозир ғазначига тилхат бериб, пул олволинг. У ёқда иш кутиб турмайди. Пул етмаса, айтинг, Шуҳратми, бошқами етказади...

Дилшод ака тезгина пастга тушди-да, уловини ўт олдириб, ғиз-ғиз қатнаётган машиналар оқимида Чилонзор томон шошилинч жўнади.

...Резида опа яшаган кўп қаватли уй олдида тўрт-беш чоғли одам кўринар, сира таъзия бўлаётганга ўхшамасди. Марҳума кейинги йилларда оғир бетоблиги боис, қўниқўшниларга ҳам унча қўшилмаган. Лекин ишхонада ҳурмати, обрўэътибори баланд эди. Ҳамма яхши кўрарди. Дилшод ака ишхонага, раҳбарга қўнғироқ қилиб, вазиятни тушунтирди. Уй олдидан кузатишда, тобутни қабристонга олиб боришда одам камлигини айтди. Раҳбар марҳумани сўнгги йўлга муносиб кузатиш учун ишхонадан ходимлар юборадиган бўлди.

Ҳамон ишнинг оғири Дилшод аканинг зиммасида эди; қабристонга-ку одам юборди, энди ювғич чақириш, тобутни келтириш, жанозага домла топиш керак! Уйбоши, шу атрофда яшовчи уч-тўрт кекса билан бирга-бирга юриб, бу ишларни ҳам эплаштирди.

Пешинда ишхонадан чамаси саксон-юз киши раҳбарлар билан етиб келишди. Жанозада домланинг «Марҳуманинг қарзларини ким тўлайди?» деган саволига ҳеч кимдан садо чиқавермагач, Дилшод ака «Мен» деб юборишига сал қолди. Ҳартугул, марҳумани яхши билган бир қўшниси «У ҳеч кимдан қарздор эмасди, мабодо, қарзи бўлса, мен тўлайман», деди.

Шундан сўнг Резидани расм-русум билан дафн этишди... Дилшод ака ишхонага ҳориб қайтди. Амир Газиев ҳол-аҳвол сўрагани кирди.

— Савоб ишнинг ажру мукофоти бор, — деди у гап орасида. Сўнг жиддий оҳангда давом этди. — Касаба уюшмаси бугун яна бир марта чинакамига ўзини кўрсатди, нималарга қодирлигини амалда исботлади. Инсонийликнинг олий намунаси бўлди. Раҳбарият номидан сизларга катта раҳмат!..

**БУГУННИНГ ЙЎЛИ**

Дилшод Усмонов Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлигига қарашли «Ўзбектелеком» АКнинг «Бош коммутация маркази» филиалида ҳуқуқшунос бўлиб ишлайди, қўшимча иши ёки бошқача айтганда, жамоатчилик юмуши — филиал касаба уюшма қўмитаси раислиги. Табиийки, бу даражага етгунча Дилшод ака ҳаётнинг пасту баландидан юриб, аччиқ-чучугидан тотиб кўрди. 1975 йили алоқа техникуми йўлланмаси билан Марказий телеграфга, электр-механик вазифасига ишга келганди. Бир йил ўтиб-ўтмай катта электр-механикликка ўтказишди. 1978 йили янги Никола Тесла станцияси қурилиши бошлангач, Дилшод Усмоновни ҳам таклиф этишди. У янги қурилишда 1980 — 2000 йилларда, яъни роса йигирма йил смена бошлиғи бўлиб ишлади. Бу борада тиришқоқлиги, билимдонлиги учун ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетининг юридик факултетини сиртдан тамомлаб, ҳуқуқшунос дипломини олди. 2000 йили ҳозирги «Бош коммутация маркази» филиалида маркетинг ва шартномалар бўлимига бошлиқ бўлди. 2002 йили филиалнинг ҳуқуқшуноси бўлиб ишга ўтди ва ҳозирга қадар шу вазифада самарали ишлаб келмоқда.

Дилшод ака «Бош коммутация маркази» филиалида ўзининг адолатпарварлиги, ҳалоллиги, меҳнатсеварлиги, ташаббускорлиги, жонкуярлиги, самимийлиги каби инсоний фазилатлари билан жамоа эътиборига тушди. Шу боисдан, қисқа фурсат ичида икки муддат: 2004 — 2010 йилларда ва 2010 йил 25 мартда қайтадан яна беш йилга филиал касаба уюшма қўмитаси раислигига сайланди.

Филиалда жами 400 нафардан зиёд касаба уюшма аъзоси бор. Шунингдек, 329 нафар меҳнат фахрийси иш берувчи ва касаба уюшма қўмитаси билан ҳамкорликда ишлаб келаётган Фахрийлар кенгашига уюшган. Уни филиалда қарийб ярим аср самарали хизмат қилган, салкам ўттиз йил раҳбар муовини бўлиб ишлаган Умид Сагатов 2006 йили декабрда ташкил қилганди, беш йил ўзи бошқариб, ташкилий, иқтисодий, маъмурий ва бошқа томонларини изга тушириб берди. Энди Умид бобо раисликни Фахрийлар кенгаши аъзоси Бахтиёр Азимовга топширди. Ушбу кенгашга корхонада камида 25 йил узлуксиз ишлаган аёллар, 30 йил меҳнат қилган эркаклар нафақага чиққанларидан кейин қабул қили-




**? Савол: 55 ёшда нафақага чиқиш учун неча йил иш стажи керак бўлади? Меҳнат дафтарчаси йўқолганда уни қандай тиклаш мумкин?**

**С. КАБИРОВ, Янгийўл тумани**

1.Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»-ги Қонунига мувофиқ ёшга доир пенсия олиш ҳуқуқига эркаклар 60 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 25 йил, аёллар 55 ёшга тўлганда ва иш стажи камида 20 йил бўлган тақдирда эга бўладилар.

2. «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида»ги Йўриқномага мувофиқ меҳнат дафтарчаси йўқолган, шунингдек, фойдаланиш учун яроқсиз бўлиб қолган (йиртилган, ёнган, ёзувлари бўялган) ҳолларда меҳнат дафтарчасининг дубликати ходимнинг охирги иш жойидан берилади.

**? Мактабда 32 йилдан бери дарс бераман, энди тадбиркорлик билан шуғулланмоқчиман. 60 ёшга тўлганимда қандай пенсия олишим мумкин?**

**Ҳ. КУДРАТОВ, Қамаши тумани**

60 ёшга тўлганингизда ёшга доир тўлиқ пенсия олиш ҳуқуқига эга бўласиз. Пенсия тайинлашда талаб этиладиганидан ортиқча иш стажининг ҳар бир тўлиқ йили учун ёшга доир пенсиялар пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун олинадиган ўртача ойлик иш ҳақининг 1 фоизи миқдорида пенсиянинг таянч миқдори оширилади.

Пенсияни ҳисоблаб чиқариш учун, ишдаги танаффуслар мавжудлигидан қатъи назар, охирги ўн йиллик меҳнат фаолияти давомидаги исталган кетма-кет беш йил учун (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) амалдаги ўртача ойлик иш ҳақи олинади.

**? Автотранспорт воситаларини бошқариш ва тасарруф этиш учун ишончномалар қанча муддатгача берилиши мумкин?**

**Д. ХОЛБОЕВ, Олтиариқ тумани**

Ишончномалар кўпи билан 3 йил муддатга берилади. Агар ишончнома муддати кўрсатилмаган бўлса, берилган кунидан бошлаб бир йил муддатгача амалда бўлади. Берилган куни кўрсатилмаган ишончномалар ҳақиқий ҳисобланмайди. Нотариус томонидан тасдиқланган, Ўзбекистон Республикасидан ташқарида ҳаракатларни амалга оширишга мўлжалланган, амал қилиш муддати кўрсатилмаган ишончнома уни берган шахс томонидан бекор қилингунгача ўз кучини сақлайди.

**Ахатжон ХОЛБОЕВ, Олтиариқ тумани 2-давлат нотариал идораси нотариуси**

## «Respublika Mulk Markazi» YoAJ Тошкент минтақавий филиали бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилмоқда:

1.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ Тошкент вилояти Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармасининг, Хўжалик ҳисобидаги Тошкент вилояти «Ер тузиш ва кўчмас мулк кадастри хизмати» давлат унитар корхонасига тегишли бўлган Тошкент вилояти Зангиота тумани Мустақиллик кўчаси 23-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

| № | Автотранспорт русуми | тури | давлат рақами | ишлаб чиқарилган йили | бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «КАВЗ 685 М» | автобус | 01 945 QAA | 1985 | 8 922 896,0 |
| 2 | «УАЗ-34519» | енгил | 10 493 SAA | 1997 | 9 708 604,0 |

2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Хўжалик ҳисобидаги «Ўзкоммунўқувташкилот» марказига тегишли бўлган Тошкент шаҳар Юнусобод тумани Ниёзбек кўчаси 1-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

| № | Автотранспорт русуми | тури | давлат рақами | ишлаб чиқарилган йили | бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Газ-3102» | енгил | 01 634 LBA | 2002 | 6 400 000 |
| 2 | «Нексия Донс» | енгил | 01 577 LBA | 2000 | 5 470 000 |

3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Хўжалик ҳисобидаги Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт Жамғармасига тегишли бўлган Тошкент шаҳар Амир Темур кўчаси 101-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситалари:

| № | Автотранспорт русуми | тури | давлат рақами | ишлаб чиқарилган йили | бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Биг Магнус» | енгил | 10 415 UZ | 2000 | 18 890 636 |

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, автомобил ва дарё транспортини ривожлантиришни норматив-техник таъминлаш Республика Марказига тегишли бўлган Тошкент шаҳар, Зулфияхоним кўчаси 3-уй манзилида сақланаётган қуйидаги автотранспорт воситаси:

| № | Автотранспорт русуми | тури | давлат рақами | ишлаб чиқарилган йили | бошланғич баҳоси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | «Фиат-Темпра» | енгил | 01 182 DAA | 1996 | 6 000 000 |

**Аукцион савдоси 2011 йил 19 декабр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.**

Талабгорлар диққатига! Юқоридаги автотранспорт воситалари 2011 йил **19 декабрдаги** аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, автотранспорт воситаларининг такрорий аукцион савдоси 2011 йил 27 декабр куни соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосидан бир кун олдин тўхтатилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АКИБ «Ipoteka Bank» Шайхантоҳур филиалидаги ҳ/р: 20210000200571452138, МФО: 00425. Манзил: Тошкент ш, Миробод т, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16-«а» уй. Телефон:233-20-96.

## «Samarqand mulk markazi» MCHJ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 31 декабрдаги № 343-сонли ҳамда 2011 йил 26 майдаги № 153-сонли қарорларига асосан қуйидаги техник носоз автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

I. Иштихон туман халқ таълими муассасаларини методик таъминлаш ва ташкил этиш бўлими балансида бўлган:

а) Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Пайшанба кўчаси 1-уйда сақланаётган, «ГАЗ 31029» русумли, д/р 30 482 DAA, 1996 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 059 000 сўм.**

б) Самарқанд вилояти, Иштихон тумани, Қурувчи кўчасида сақланаётган, «ГАЗ 31029» русумли, д/р 30 078 МАА, 1996 йилда ишлаб чиқарилган, автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 1 226 000 сўм.**

II. «Ўзнефтмаҳсулот» АК «Нурobod нефть базаси» унитар корхонаси балансида бўлган, Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, Нурбулоқ қўрғонида сақланаётган, «Нексия» русумли, д/р 14 AF 636, 1997 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 4 878 150 сўм.**

III. Ўзбекистон Республикаси Мудофаа Вазирлиги савдо бошқармаси 6-сон бўлинмаси давлат унитар корхонаси балансида бўлган, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси 205-уйда сақланаётган:

а) «ГАЗ 24» русумли, д/р 14 MY 840, 1979 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси — 2 504 000 сўм.**

б) «ГАЗ 53» русумли, д/р 14 MY 842 1991 йил ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси. **Бошланғич баҳоси – 6 499 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2011 йил 20 декабр куни соат 11:00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! Ушбу автотранспорт воситалари 2011 йил 20 декабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2011 йил 27 декабр, 2012 йил 3, 10 январ кунлари сотилгунга қадар бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади. Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни сотувчи томонидан ҳамда «Samarqand mulk markazi» MCHJнинг (8366) 233-80-56 телефон рақами орқали олишингиз мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан автотранспорт воситаси бошланғич баҳосининг 30 (ўттиз) фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Samarqand mulk markazi» MCHJнинг АТ «Турон» банк Самарқанд шаҳар филиалидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт:

20210000300571452123, МФО: 00282, ИНН: 200933850.

**Манзил:** Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй.

# МУКОФОТИ

нади ҳамда касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият томонидан қўллаб-қувватланади.

Филиал меҳнат фахрийларини ҳақиқатан эъзозда дейиш мумкин. Йил давомида уларни жуда кўп совғалар, мукофотлар, байрам дастурхонлари, моддий ёрдамлар, хуллас, меҳр тўла оқибат кутади. Йилнинг қайси чорагида туғилган бўлса, ўша чоракда банкдаги ҳисоб жамғармасига 150 минг сўм келиб тушади. Бу пулнинг 75 минг сўми туғилган кунига, яна шунчаси ҳар чоракда бериладиган моддий ёрдам пули. Атиги тўрт йил аввал бу бор-йўғи 10 минг сўмни ташкил этарди. Касаба уюшма қўмитаси маъмурият билан келишиб, ёрдам пулини ўн беш баравар оширишга эришди. Бундан ташқари, фахрийнинг туғилган кунида эшигини хабарчи тақиллатиб, уни байрам шошилинчномаси билан албатта табриклайди.

Касаба уюшма қўмитаси Наврўз, Хотира ва қадрлаш, Мустақиллик айёмларида, касб байрамида ҳар йили фахрийлар учун ишхонада тўкин дастурхон безаб, катта байрам дастури тайёрлайди. Республикамизнинг Бухоро, Самарқанд, Навоий-Нурота каби диққатга сазовор жойларига саёҳатлар уюштирилади. Шу йил 17 август куни филиалнинг бир гуруҳ илғор ходимлари ва меҳнат фахрийлари пойтахтнинг тарихий ёдгорликларини ва Зангиота мажмуасини зиёрат қилишди.

**ЖАМОА ШАРТНОМАСИ — ҲАЁТ АҲДНОМАСИ**

Таъкидлаш жоиз, давр ҳам, шароит ҳам касаба уюшмасидан янгича шароитга мос фаолият юритишни тақозо этмоқда. Барча соҳаларда чуқур ислоҳотлар олиб борилаётган бугунги вазиятда жамоа шартномаси ва битимларда касаба уюшма аъзоларининг ижтимоий-иқтисодий ҳамда ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш, қулай ва хавфсиз меҳнат шароитини яратиш, иш ҳақи ва ижтимоий тўловларни оширишга эришиш, шубҳасиз, тобора долзарблик касб этиб бораяпти. Касаба уюшма қўмитаси ва иш берувчи ўртасида жиддий кўриб чиқилиб, сўнгра имзоланадиган жамоа шартномаси ва бошқа битимлар эса ушбу ҳуқуқ, имтиёз ва манфаатларнинг кафолатидир. Дилшод Усмонов нафақат корхона касаба уюшма қўмитаси раиси, айни пайтда малакали ҳуқуқшунос сифатида ҳам бу муҳим ҳужжатларга катта масъулият билан ёндашади. Касаба уюшма қўмитаси жамоа шартномаси бандларининг бажарилиши устидан назорат бўйича комиссия ишида бевосита иштирок этиб, мазкур шартномага таклиф-мулоҳазалар тўплашда, уни тузишда ва ҳаётга татбиқ этишда фаоллик кўрсатади.

Филиал касаба уюшма қўмитасининг 6 та доимий комиссияси, 14 та аъзоси бор. Қўмита раҳбарлигида 6 та цех қўмитаси ва 16 та касаба уюшма гуруҳлари ишлайди. Касаба уюшма ташкилотлари тузилмаси маъмурият тузилмасига мувофиқ келади. Шуниси диққатга сазоворки, кейинги ўн йилда касаба уюшма аъзоларининг бирортаси ҳам иш берувчи билан меҳнат шартномасини бекор қилмаган. Бу, шубҳасиз, жамоа шартномаси бандлари барчага маъқул эканлигининг яққол далилидир.

Жамоа шартномасида кам таъминланган, меҳнат таътили даврида соғлигини тикловчиларга ёрдам кўрсатиш масаласига кенг ўрин берилди, моддий ёрдам миқдори илгариги энг кам иш ҳақининг 6 бараваридан эндиликда 10 бараварига етказилди. Шунингдек, биринчи марта оила қураётганларга ҳам шунча миқдорда ёрдам пули берилади. Кексалар иш ҳақининг 7 баробарига тенг мукофот пули билан нафақага чиқишаяпти. Айни пайтда пенсияга чиқаётганларга сиҳатгоҳ ё дам олиш уйига йўлланмани ёки хоҳишига кўра коммунал хизматлар тўловини тўлаб беришни танлаш таклиф этилади.

Касаба уюшмасининг энг муҳим вазифаси ходимларнинг ҳуқуқ ва манфаатини ҳимоялашдир. Жорий йилда бу борада кўпгина ишлар амалга оширилди. Ходимларнинг фарзандлари учун соғломлаштириш оромгоҳларига ажратилаётган бепул йўлланмалар сони ортди. Жумладан, 2007 йилда бундай йўлланмалар 43 тани, жорий йилда эса 52 тани ташкил этди. Ходимлар даромади ва турмуш даражасини янада яхшилаш, ижтимоий ёрдамни кучайтириш мақсадида ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ва меҳнат сарфини камайтириш ҳисобига ўртача иш ҳақи миқдори ошириб борилмоқда. Шунингдек, 2 ёшдан 3 ёшгача бўлган фарзанд тарбияси билан машғул бўлган оналарга нафақа пули тўланаяпти.

Касаба уюшма қўмитаси «Моддий ёрдам бериш тўғрисида», «Қўшимча равишда бажарилган иш учун ҳақ тўлаш тўғрисида»ги низомлар ижросини доимий назорат қилиб боради. Яқинда филиалнинг тариф келишувига зарарли шароитда ишловчи ходимлар учун 12 иш кунидан иборат қўшимча таътил бериш ҳақида тузатиш киритилди.

Меҳнатни муҳофаза қилиш масалалари ҳам касаба уюшма қўмитасининг доимий эътиборида. Ходимлар «Алском» компанияси ёрдамида бахтсиз ҳодисалардан суғурта қилинган. Зарарли шароитда ишловчилар ҳар йили тиббий кўрикдан ўтказилиб, касаллик аниқланган тақдирда, соғломлаштирилади.

**ФАРЗАНДЛАР — ЭРТАНГИ КУНИМИЗ**

Касаба уюшма қўмитаси спорт ва маданий-маърифий ишларга, ходимларни ва уларнинг фарзандларини дам олдириш ҳамда соғломлаштиришга катта эътибор бермоқда. Ходимлар фарзандлари ўртасида расм чизиш танлови ўтказилиб, ғолиблар касаба уюшма қўмитасининг совғалари билан тақдирланди. Наврўз, Мустақиллик байрамлари ва Алоқачилар кунига бағишлаб шахмат ва шашка бўйича мусобақалар уюштирилди. Ҳар йили «Отам, онам ва мен — спортчилар оиласи» спорт эстафетасини ўтказиш анъанага айланган.

Халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунида корхона ходимларининг фарзандлари учун Мирзо Улуғбек номидаги маданият ва истироҳат боғи аттракционларига бепул чипталар берилиши ҳам анъанага айланган. Янги ўқув йили ва Мустақиллик байрами муносабати билан ходимларнинг 1-синфга борадиган болалари учун «Ассалом, мактаб» тадбири ўтказилади. 15 август куни 15 нафар ўқувчи ва уларнинг ота-оналари учун ана шундай тадбир уюштирилди. Болажонларнинг ҳар бирига мактаб формаси ва ўқув анжомлари совға қилинди. Шунингдек, ходимларнинг мактаб, лицей, коллеж ва институтларда таълим олаётган фарзандларига ўқув қуроллари тақдим этилди.

Бир сўз билан айтганда, филиалда иш самарадорлигини оширишга, меҳнат шароитини ва муҳофазасини яхшилашга тааллуқли барча масалалар касаба уюшма қўмитаси ва маъмурият билан ҳамкорликда ҳал қилинмоқда. Касаба уюшмаси ходимларнинг яқин маслаҳатгўйи, ишончли суянчи бўлиш учун астойдил ҳаракат қилмоқда.

**Эргаш ИБРОҲИМОВ**

# Дунё касаба уюшма ташкилотлари фаолиятидан

**АҚШ**




***АҚШнинг Огайо штатида ўтказилган референдумда давлат сектори ходимлари томонидан касаба уюшмаларининг жамоа шартномалари тузиш ҳуқуқини чеклаш тўғрисидаги қонун бекор қилинди.***

## Қонун бекор қилинди

Хабарларга қараганда, референдумда иштирок этган штат аҳолисининг 61 фоизи қонуннинг бекор қилинишига овоз берган. Ушбу қонун шу йилнинг март ойида Огайо штати қонунчилик кенгашида маъқулланиб, губернатор Жон Касич томонидан имзоланган эди. Аммо қонун лойиҳасига қарши томон ушбу масала юзасидан референдум ўтказилишига эришди.

Қонун штатнинг бюджет муассасаларида меҳнат қилувчи 350 000 нафар аҳоли, жумладан, ўқитувчи, ўт ўчирувчи ҳамда полиция ходимларининг меҳнат ҳуқуқларини чеклар эди. Қонун тарафдорларининг сўзларига қараганда, касаба уюшмалари давлат сектори ходимларига асоссиз равишда ҳаддан ортиқ яхши иш шароити яратилишини талаб қилмоқда. Губернатор Касич фикрича, ушбу қонун солиқлар оширилишининг олдини олиб, штатга тадбиркорларнинг янада кўпроқ жалб қилинишига шароит яратади.

**ҲИНДИСТОН**



***Ҳиндистоннинг Ченнай ва Пуне шаҳарларида дунёнинг энг йирик автомобилсозлик компанияларини ўзида жамлаган Минтақалараро автомобилсозлар касаба уюшмасига аъзо ташкилотларнинг соҳа касаба уюшмалари тармоғи структураси ҳамда трансмиллий автомобилсозларнинг халқаро доирадаги келишувларини (IFA) фаоллаштириш масалаларига бағишланган учрашуви бўлиб ўтди.***

## Автомобилсозлар тармоғи кенгаймоқда

Ҳиндистон касаба уюшмаларининг халқаро касаба уюшма ташкилотлари билан алоқалари йиғилишнинг диққат марказида бўлди. Йиғилишда автомобилсозлик саноати Ишчи гуруҳининг Президенти Боб Кинг «Ford» компаниясининг Ҳиндистонда касаба уюшмалари ҳуқуқларига амал қилмаётганини, шунингдек, кўпчилик ишчиларнинг ностандарт бандлик асосида ишга ёлланганлигини танқид қилди.

Шунингдек, йиғилишда Европа автомобилсозлари федерацияси раиси Кристиан Бранхост сўзга чиқиб, шундай деди: «Халқаро касаба уюшма ташкилотлари касаба уюшмалари тармоғи фаолияти билан чекланиб қолмасдан, ижтимоий-сиёсий масалаларда ҳам ўз таъсирини ошириши керак. Халқаро молия секторини мувофиқлаштириш масаласи шулар жумласидандир».

Уюшма директори Хелмут Лензенинг сўзларига қараганда, автомобилсозлар касаба уюшмалари тармоғини қуришда Volkswagen, Daimler, BMW, PSA ва Renault каби дунёнинг йирик авто ишлаб чиқарувчи компанияларида сезиларли муваффақиятга эришилган. Эндиликда бу борада «GM» ва «Ford» компанияларида кенг кўламли иш олиб борилмоқда.

**КОРЕЯ**

***11 ойга чўзилган музокаралардан сўнг Корея металлурглар касаба уюшмаси (KMWU) ҳамда «Hanjin Heavy Industries» компанияси маъмурияти ўзаро келишувга эришди ва Корея кемасозлик корхоналаридаги оммавий ишдан бўшатишлар масаласида юзага келган тортишувларга чек қўйилди.***

## 94 киши ишга тикланди

Келишувга кўра, бир йил ичида ишдан бўшатилган 94 киши қайта ишга тикланиб, уларнинг ҳар бирига бир йил мобайнида мажбуран ишдан четлатилгани учун 20000000 Корея вони (18000 АҚШ доллари) миқдорида товон пули тўланадиган бўлди. Аммо товон пулини олиш учун ишчилар суддан раҳбариятга қарши қўзғатилган жамоа даъволарини қайтариб олиши керак бўлади. Бундан ташқари, касаба уюшмалари ва компания раҳбарияти келтирилган ўзаро зарарлар юзасидан очилган барча фуқаролик ва жиноий ишлар бўйича даъволарини қайтариб олишади.

Корея металлурглар касаба уюшмаси (KMWU) ҳамда «Hanjin Heavy Industries» компанияси ишчилари 2010 йилнинг декабр ойида раҳбариятнинг 400 кишини ишдан бўшатиш тўғрисидаги қарорига норозилик билдириб, иш ташлаган эди. Орадан бироз вақт ўтгач, компания маъмурияти ишдан бўшатилганларнинг 230 нафаридан «ўз ихтиёри билан ишдан бўшатилиш тўғрисида» аризалар олган. Оқибатда 170 киши ишдан бўшатилиб, уларнинг бир қисми компаниянинг моддий ёрдамини олган. Лекин кўпчилик ишчилар ўз ишига қайта тикланишга умид боғлаб, касаба уюшмасини қўллаб-қувватлашда давом этган эди.

**АВСТРАЛИЯ**

QANTAS
Spirit of Australia

***Австралиянинг «Qantas Airways» компанияси матбуот хизматининг хабар қилишича, октябр ойида авиакомпаниядаги касаба уюшма ташкилоти ва ходимларнинг норозилиги оқибатида юзага келган ноқулайликлар туфайли парвоз қила олмаган йўловчиларга бепул билетлар берилади.***

## «Qantas Airways» гуноҳини «ювa» бошлади

Дастлабки ҳисоб-китобларга қараганда, эндиликда «Qantas» ўз йўловчиларининг ишончини тиклаш учун 20 миллион доллар сарфлайди ва бутун мамлакат бўйлаб Австралия — Янги Зеландия йўналишида 100 мингга яқин йўловчини ташийди.

*Эслатиб ўтамиз:* газетамизнинг аввалги сонларида «Qantas Airways» компанияси раҳбариятининг авиакомпаниядаги молиявий муаммоларни ҳал қилиш учун мамлакат бўйлаб минглаб иш ўринларини қисқартиришни режалаштиргани ва оқибатда бу қарор ходимларнинг қаттиқ норозилигига сабаб бўлганини хабар қилган эдик. Учувчи, инженер-механиклар, юк ташувчилар ва ҳатто ошпазларгача — барча ходимлар ўз шартномаларини қайта кўриб чиқишни ва нафақат иш ўринларини сақлаб қолиш, балки ойлик маошни ошириш ва иш шароитини яхшилашни талаб қилишган эди. Оқибатда авиакомпания маъмурияти Австралия бўйлаб барча парвозларни тўхтатишга мажбур бўлган эди.

**Интернет хабарлари асосида Ж.ЮНУСОВ тайёрлади**

Омон бўлинг,
МУҲТАРАМ ГАЗЕТХОН

Ishonch
2011-yil 19-noyabr № 138 (3019)

# Самарқандда «Саломатлик» спартакиадаси






*(Давоми. Боши 1-бетда)*

## Касаба уюшма спортига бир назар

Федерация томонидан ишчи-ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш билан бирга, улар ва оила аъзоларини жисмоний тарбия ва спортга кенг жалб этиш борасида тизимли ва кенг қамровли ишлар йўлга қўйилган.

Жорий йил бошида ЎзКУФК Велоспорт Федерацияси бош ҳомийси этиб тайинланганидан хабарингиз бор, албатта. Ўтган вақт мобайнида бу спорт турининг янада ривож топиши, аҳоли орасида кенг оммалашиши учун бир қатор хайрли ишлар амалга оширилди. Жумладан, Велоспорт Федерациясининг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш мақсадида 4 та «Дамас» автомашинаси, 122 дона профессионал ҳамда машқ велосипедлари совға қилинди. Бундан ташқари, Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси билан ҳамкорликда республикамизда велоспортни ривожлантириш бўйича 2011-2012 йилларга мўлжалланган қўшма тадбирлар режаси ишлаб чиқилди. Таъкидлаш ўринлики, жойларда ҳаваскору профессионал спортчилар ўртасида ўтказилган веломарофонлар бу спорт турининг юртимизда кенг қулоч ёяётганини яна бир карра тасдиқлади.








### Оммавийликдан маҳорат сари

Бу йил «Саломатлик» спартакиадасининг оммавийлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилди. Спартакиаданинг бошланғич икки босқичи туман, шаҳар ва вилоятлар миқёсида ташкил этилди.

Жисмоний тарбия ва спорт жамияти Марказий кенгаши маълумотларига кўра, спартакиаданинг барча босқичларида 1 млн.га яқин ишчи-ходим иштирок этган. Ушбу рақамнинг ўзиёқ унинг қанчалик оммалашиб бораётганини кўрсатади.

Мусобақанинг очилиш маросимида Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши раиси Танзила Нарбаева спортчиларни қутлаб, жумладан, шундай деди:

— Мустақиллигимизнинг илк кунлариданоқ Президентимиз раҳнамолигида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, уларни спортга кенг жалб этишга қаратилган мисли кўрилмаган ишлар амалга оширилди. Қурилган кўплаб спорт иншоотлари, спортчиларимизнинг халқаро ареналарда қўлга киритаётган ғалабалари ҳар биримизнинг қалбимизга ғурур-ифтихор бағишлайди. Таъкидлаш жоизки, улкан муваффақиятларни қўлга киритаётганлар орасида касаба уюшма спортчилари ҳам кўпчиликни ташкил этади. Жумладан, келгуси йили Лондонда ўтказиладиган Олимпия ўйинларига Светлана Радзивил, Гўзал Хуббиева, Вадим Менков, Сергей Лагутин каби спортчиларимиз йўлланмаларни қўлга киритиб, қизғин ҳозирлик кўришни бошлаб юборишди. Касаба уюшма спортини ривожлантиришда амалга оширилаётган хайрли ишларимиз бундан кейин ҳам давом этаверади, деган умиддаман.

Олимпия захиралари спорт коллежи, Самарқанд давлат университети, Сиёб тиббиёт коллежи спорт залларида старт олган республика босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан ташриф буюрган 200 нафарга яқин иштирокчи қатнашди. Улар спортнинг волейбол (аёллар), стол тенниси (эркаклар ва аёллар), тош кўтариш (эркаклар), армрестлинг (эркаклар) ҳамда оилавий мусобақалар бўйича беллашишди. Ишчи-ходимларнинг оила аъзоларини спорт ва соғлом турмуш тарзига янада кенг жалб этиш мақсадида спартакиада дастурига оилавий мусобақалар киритилгани хушнудлик билан кутиб олинди. Унда спортсеварлар енгил атлетика эстафетаси, жойда узунликка сакраш, баскетбол тўпини тўрга ташлаш, граната ва теннис тўпини узоқликка улоқтириш каби шартлар бўйича ўз ҳозирликларини намойиш этишди.



### Теннис тахтаси устида

Беллашувларда омад чаққон ва эпчилларга насиб этди. Аёллар ўртасида Бухоро вакиласи Гулнора Шарафова барча рақиблари устидан ишончли ғалабани қўлга киритиб, шоҳсупанинг энг юқорисини банд этди. Кейинги ўринлар Наталя Авасапова (Тошкент вилояти) ҳамда Карима Иманова (Наманган вилояти)га насиб этди.

Эркаклар ўртасидаги баҳслар, айниқса, кескин курашларга бой бўлди. Ғолибликкача узоқ йўлни босиб ўтган самарқандлик Руслан Шушеров барчадан кучли эканини амалда исботлади. Финалда унга рўбарў келган Тошкент вилояти вакили Георгий Цойга иккинчи ўрин насиб этган бўлса, Тошкент шаҳри теннисчиси Александр Сухаров шоҳсупанинг учинчи поғонасидан жой олди.

— Саломатлик — энг катта бойлик. Усиз ҳеч қандай қувонч татимайди. Стол тенниси билан анча вақтдан бери шуғулланаман. У туфайли ўзимни доим бардам ҳис қиламан. Турли соҳа вакилларини бирлаштирган спартакиада туфайли юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи кўплаб спортсеварлар билан танишдим, — дейди Гулнора Шарафова.

### Чиниққанга чанг юқмас

Спартакиаданинг энг қизғин баҳслари юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, оилавий мусобақалар доирасида кечди. Беллашув шартларидан ўрин олган баскетболчилар баҳсида ҳар бир оила вакили ўзини кўрсатди. Бу беллашувда ота, фарзанд ва она ҳамжиҳатликда ҳаракатларини уйғунлаштиришга интилди.

Баҳснинг илк турлариданоқ самарқандлик Музаффаровлар, андижонлик Қамбаровлар, Тошкент вилоятидан Наврўзовлар оиласи шашти яққол сезилди.

Оилавий мусобақаларнинг иккинчи тури — жойдан узунликка сакрашда Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Наманган вакиллари пешқадамларни измаиз таъқиб қилиб боришди. Эстафетали югуриш спортсевар оила вакилларини яна бир карра синовдан ўтказди. Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона вилояти вакиллари ғалабани ўзлари томонга оғдириш мақсадида роса тер тўкишди. Аммо ютуқ фақат кучлиларнинггина измига бўйсунади. Ҳар уч турга доир баҳсларда самарқандлик Аслонхон Музаффаровлар оиласи олдига тушадигани бўлмади. Спортга меҳр, иштиёқ бу оила вакилларига ғолибликни тақдим этди. 2-ўринни андижонлик Козимжон Қамбаровлар оиласи эгаллади. Кейинги ўрин эса Тошкент вилоятидан Наврўзовлар оиласига насиб этди.

### Билаги зўр йиқади

Дунё армрестлингчилари орасида ўзбек спортчилари шуҳратини танитган полвонларимиз касаба уюшма спорти вакиллари эканлиги бежиз эмас. Беш карра жаҳон чемпиони Умиджон Аҳмедов Сирдарё касаба уюшмалари спорт мактабида тобланган. Бу турда мазкур вилоят вакилларининг қўли баланд келиши тахмин қилингани ҳам аслида шундан. Тахмин ўзини оқлади. Барча вилоятлардан келган полвонлар билагини буккан Фарҳод Худоёров мутлақ ғолиб деб эътироф этилди. Пойтахт вакили Артём Тухфатулин 2-, фарғоналик Валерий Инзерев 3-ўрин билан кифояланди.

### Баҳодирлар беллашуви

Тош кўтаришда турли вилоят баҳодирлари спортга бўлган меҳрини майдонда исботлашди. 32 кг.ли тошни даст кўтаришда ирода ва матонатини намойиш қилган Тошкент вилояти вакили Адҳам Йўлбарсов ғалаба нашидасини сурди. Шоҳсупанинг кейинги ўринларини Бердиёр Туробов (Самарқанд вилояти) ҳамда Бекзод Неъматов (Жиззах вилояти) банд этишди.

### Осон таслим бўлиш йўқ!

Спартакиадада энг муросасиз баҳслар волейболда юзага келди. Зеро, ҳар бир очко учун қизғин кураш борди. Финалгача барча рақибларини мағлубиятга учратган Тошкент шаҳри волейболчилари сўнгги ҳал қилувчи ўйинда Наманган вилояти жамоасининг қаттиқ қаршилигига дуч келди. Узоқ ва қизиқарли кечган учрашувда, айтиш мумкинки, тошкентликлар сардори 58 ёшли Лариса Губканинг бой тажрибаси «иш» берди. Наманган волейболчи қизлари 2-ўринни нақд қилган бўлса, 3-ўрин учун кечган баҳсда сурхондарёликларни мағлубиятга учратган Андижон вилояти спортчилари ғалабани илиб кетишди.

### Дилдаги қатралар

— Бу йилги «Саломатлик» спартакиадасининг кўҳна Самарқандда ташкил этилгани бизга жуда асқотди. Қадимий ва навқирон шаҳар билан яқиндан танишиш, муборак қадамжоларни зиёрат қилиш имкониятига эга бўлдик. Ҳайрат оғушида ҳамкасбларим даврасига қайтмоқдаман, — дейди Марғилон шаҳар тиббиёт бирлашмаси ходимаси Марвархон Орипова.

— Қирқ икки йилдан бери ёш авлод таълим-тарбияси билан машғулман. Эллик саккиз ёшимда ҳам ёшлар билан беллашишга ўзимда куч топа оляпман. Бунинг барчаси спорт ва жисмоний тарбияга ошнолигим туфайли, десам янглишмаган бўламан. Касаба уюшмалари томонидан ташкил қилинган кўплаб мусобақаларда иштирок этганман. Бундан кейин ҳам саломатлигим посбони бўлмиш спорт билан хайрлашиш ниятим йўқ. Самарқанд бўйлаб ташкил этилган саёҳат эса бир умр ёдимдан чиқмаса керак, — дейди Тошкент шаҳри жамоаси вакили Лариса Губка.

— Юртбошимиз томонидан спортга берилаётган катта эътибор барчамизни бирдай хурсанд қилмоқда. Айниқса, оилавий мусобақаларда иштирок этиш одамга чексиз қувонч бағишлайди. Вилоят босқичида кўплаб ҳамфикрлар орттиргандик. Республика босқичида эса юртимизнинг турли гўшаларидан ташриф буюрган спортсеварлар билан дўстлашдик, беллашдик, — дейди Қашқадарё вилояти жамоаси вакили Зайниддин Аширов.

— Яратилган шароитлар, ҳар бир иштирокчига берилган катта эътибордан кўнглимиз тоғдай юксалди. Фарзандларимиз ҳам янги дўстлар билан танишишди. Бўш пайтларимизда дугоналар билан қилган суҳбатларимиз ёдимизда қоладиган бўлди. Бу мусобақада яна иштирок этиш ниятини дилимизга тугиб кетаяпмиз, — дейди Зайниддин аканинг рафиқаси Дилфуза Ёдгорова.

— Самарқанд жудаям чиройли шаҳар экан. Телевизорда кўрган жойларимни ўз кўзим билан кўрдим. Бундай спорт мусобақалари яна ҳам кўпаяверсин, — дейди оиланинг эркатой қизалоғи Ситора Расулбердиева.

### Хайр демаймиз, кўришгунча!

Уч кун давом этган «Саломатлик» спартакиадаси иштирокчиларга оламолам завқ, тетиклик ва ажойиб таассуротлар улашди. Анъанавий равишда ташкил этиб келинаётган мазкур спартакиаданинг якуни Регистон майдони шундоқ кўзга ташланиб турадиган «Мўъжиза» базмлар уйида кечди. Ғолиб ва совриндорлар, шунингдек, фаол қатнашчиларга фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

Касаба уюшмалари тизимида ташкил этилаётган бундай оммавий мусобақа ва беллашувлар ҳали давом этаверади. Уларда юртимизнинг турли ҳудудларида истиқомат қилувчи иштирокчилар ўз кучларини синайверишади. Озод ва обод, ўз йўлидан оғишмай кетаётган юрт халқига бундай байрамлар, албатта, ярашади.

**Нурилла ШАМСИЕВ,**
**Адҳам АРСЛОНОВ,**
**«Ishonch»нинг махсус мухбирлари.**
**Икром ҲАСАНОВ**
**олган суратлар**











Ўзбекистон экологик ҳаракатида «Ишонч телефони» мунтазам фаолият кўрсатмоқда. Ҳурматли юртдошлар! Сиз яшаш ва иш жойингиздаги экологик муаммолар ва атроф-муҳитга оид қонунбузарликлар ҳақида (8 371) 245-96-32 рақамли «Ишонч телефони»га ҳафтанинг шанба ва якшанбадан ташқари барча кунлари эрталаб соат 9:00 дан 18:00 гача қўнғироқ қилишингиз мумкин.

Ўзбекистон Металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши ҳамда тармоқ касаба уюшмасининг Тошкент шаҳар раислар Кенгаши жамоалари «Ўзпахтамаш» очиқ акционерлик жамиятининг собиқ касаба уюшма қўмитаси раиси, тармоқ касаба уюшмаси фахрийси
**Файзаҳмад ШАМШИМЕТОВ**нинг
вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига ҳамдардлик билдиради.

Insonga naf keltirish – oliy baxt

**Muassis:**
O'zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

**Bosh muharrir:**
Abduxoliq Abdurazzoqov

**Tahrir hay'ati:**
Normamat ALLAYOROV,
Nosirxon AKBAROV,
Muhammad Ali AHMEDOV,
Oksana BELAUSOVA,
Dovud MADIYEV
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor MAHMADALIYEV,
Sog'indiq NIYETULLAYEV,
Eson RAJABOV,
To'lqin TESHABOYEV,
Jahongir SHAROFBOYEV
(Mas'ul kotib),
Anvar YUNUSOV

**Bo'limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti 256-87-63
Huquq va xalqaro hayot 256-03-90
Ijtimoiy-iqtisodiy siyosat 256-87-74
Milliy-ma'naviy qadriyatlar va sport 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash 256-85-43
Reklama va e'lonlar 256-87-73

**Viloyatdagi muxbirlar:**
Andijon +99897 465 05 68;
Buxoro +99893 653 50 81;
Jizzax + 99872 360 00 10;
Navoiy +99893 725 46 40;
Namangan +99897 491 79 28;
Samarqand +99866 708 70 12;
Surxondaryo +99897 458 05 07;
Farg'ona +99873 221 93 19;
Qoraqalpog'iston Respublikasi va Xorazm +99862 562 56 75;
Qashqadaryo +99897 414 30 78

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, «Buxoro» ko'chasi, 24-uy
E-mail: ishonch2011@gmail.com

**Nashr ko'rsatkichi:**
133

Navbatchi muharrir: A.Qodirova
Navbatchi: S. Abdurahmonov
Musahhih: S. Shodiyeva

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko'chasi, 41-uy.

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

«Ishonch»dan olingan ma'lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko'rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.

(h) - *Tijorat materiallari*

2007 yil 11 yanvarda O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bosishga topshirish vaqti - 21.00
Topshirildi - 22.10

Буюртма Г — 1111

12968 nusxada bosildi

2 3 4 5